

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Чортоқ туман ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи


А. Дехканов
« » 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси

Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармасига карашли ISUZU махсус сув сепиш
автомашинасига 4 авлод Метан газ ускунаси ўрнатиш ишларини бажариш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Чортоқ шаҳри -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармасига қаршли ISUZU махсус сув сепиш автомашинасига 4 авлод Метан газ ускунаси ўрнатиш ишларини бажариш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг қиймати – **40 000 000 (Қирқ миллион) сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161000, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Сугдиёна кўчаси, 41 уй

Эл.адрес: **Chortoq_obodon@mail.ru**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Чортоқ туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи


А.Дехканов
« » 2022 й



Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли ISUZU махсус сув сепиш автомашинасига 4 авлод Метан газ ускунаси ўрнатиш ишларини бажариш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Чортоқ Ободонлаштириш бошқармасига қарашли ISUZU махсус сув сепиш машинасига 4 авлод Метан газ ускунаси ўрнатиш ишларини бажариш учун
2	Буюртмачи	Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Бюджет маблағлари ҳисобидан
4	Объектнинг жойлашган манзили	Чортоқ шаҳри Суғдиёна кўчаси 41 уй
5	Катнашувчи учун талаблар	Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли ISUZU махсус сув сепиш автомашинасига 4 авлод Метан газ ускунаси ўрнатиш ишларини бажариш учун малакали мутахассисларга зга бўлиши. Буюртма берилганда тез муддатда таъмирлаш ишларини бажариш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варакаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 3 ой учун тахминан 40 000 000 (қирқ миллион) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 ой муддата.
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Маҳаллий бюджет

Инфратузилма объектларини сақлаш

бўлими бошлиғи

Инфратузилма объектларини фойдаланиш

бўлими бошлиғи

Техник назоратчи


Омбор муҳитри


Мухандис:


Ҳисобчи:



 Ш.Мажидов

 Б.Хамрабоев

 Х.Болтабоев

 Ш.Қодиров

 Ф.Ботиров

 И.Абдуллаев